

**"UNIVERSAL SUGURTA" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ (200811765)
2014 йил БАЛАНСИГА ИЗОҲ**

"UNIVERSAL SUGURTA" АЖ 2014 йил давомида ЎзР Молия вазирлиги томонидан 2014 йил 4 июлда берилган 00192-сонли лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширган.

2014 йил бошига рўйхатдан ўтган Устав фондининг ҳажми 6 730 108 844 сўмни ташкил этди. 01.01.2014 йил ҳолатига устав фонди тўлиқ шакллантирилган.

2014 йил 23 сентябрдаги Уставга рўйхатдан ўтказилган (8/4-673/4-сонли) ўзгартиришларга кўра Устав жамғармасининг ҳажми 9 500 660 000 сўмни, яъни 3 958 139,68 ЕВРО ни ташкил қилди.

01.01.2015 йил ҳолатига Устав фонди тўлиқ шакллантирилди. Устав фонди ҳар бир акциянинг номинал қиймати 0,01 сўм бўлган нақд пулсиз шаклдаги 950 066 000 000 дона оддий номдаги акцияларга бўлинган.

"UNIVERSAL SUGURTA" АЖ қуйидаги алоҳида бўлмаган филиаллар мавжуд:

Тошкент шаҳар филиали
Тошкент вилоят филиали
Самарқанд вилоят филиали
Самарқанд вилоят филиалининг Самарқанд шаҳар бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Пастдарғом бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Ургут бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Пояриқ бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Иштихон бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Каттақўрғон бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Оқдарё бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Тайлоқ бўлими
Самарқанд вилоят филиалининг Булунғур бўлими
Бухоро вилоят филиали
Бухоро вилоят филиалининг Гиждувон бўлими
Қашқадарё вилоят филиали
Сурхондарё вилоят филиали
Навоий вилоят филиали
Андижон вилоят филиали
Андижон вилоят филиалининг Асака бўлими
Наманган вилоят филиали
Наманган вилоят филиалининг Наманган шаҳар бўлими
Жиззах вилоят филиали
Қорақалпоғистон Республикаси филиали
Сирдарё вилоят филиали
Хоразм вилоят филиали
Фарғона вилоят филиали
Фарғона вилоят филиалининг Қўқон бўлими
Фарғона вилоят филиали Олтиариқ бўлими

ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ЁРИТИБ БЕРИШ

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1-сонли Миллий бухгалтерия стандарти ва Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тайёрлашнинг концептуал асослари талабларига мувофиқ корхонада Ҳисоб сиёсати жорий этилди.

Асосий воситалар амортизацияси бир текисда (турри линияли) ҳисоблаш усули билан амалга оширилади. Эскириш харажатларга тенг равишда ўтказилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш 2014 йил 1 январ кунига қайта баҳолаш индекслари бўйича амалга оширилди.

Захиралар харажат нархи ва соф реализация қийматидан энг паст баҳо билан ўлчанади.

Захираларнинг қиймати FIFO усули ёрдамида аниқланган.

Харажат нархи у билан боғлиқ даромадлар ҳисобга олинган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади. Инвентар ва хўжалик жихозларни ишга туширишда уларнинг қийматининг 100 фоизи ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатлари учун ҳисобдан чиқаришга рухсат берилади, сўнгра 014-балансдан ташқари ҳисобварақда ҳисобга олинади.

3100 - "Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағида ушбу ҳисобот даврида қилинган, аммо келгуси ҳисобот даврларига тегишли харажатлар тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилади.

Хорижий валютадаги операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича хўжалик операциялари амалга оширилган санасидаги сўм эквивалентида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади, шу жумладан:

- а) кассадаги валюта маблағлари, банкдаги депозит ва кредит ҳисобварақларидаги хорижий валютадаги маблағлар, аккредитивлар, хорижий валютадаги кредит қарздорликлар;
- б) дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари, хорижий валютадаги кредитлар ва қарзлар;
- в) юк божхона декларацияси расмийлаштирилган санасига тузилган шартномалар бўйича импорт қилинган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларнинг кирими;
- г) хорижий валютасида божхона тўловларини амалга ошириш;
- д) хорижий валюта кўринишидаги пулли ҳужжатлар;
- е) хорижий валютадаги қимматли қоғозлар.

Балансинг валюта моддалари ҳар ойда ҳисобот ойнанинг охири кунда ва хўжалик операциялари амалга оширилган санасида Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланади.

Келиб чиққан курс фарқи молиявий натижаларига тўғридан-тўғри ўтказиш усули орқали ўтказилади (бундан кейин тўғридан-тўғри ўтказиш усули деб аталади).

Молиявий инвестициялар корхона томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар миқдорида ҳисобга олинади.

Қимматли қоғозлар сотиб олиш учун ҳақиқий харажатлар қуйидаги бўлиши мумкин:

- шартномага мувофиқ сотувчига тўланадиган суммалар;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва консалтинг хизматлари учун ихтисослаштирилган ташкилотлар ва бошқа шахсларга тўланадиган суммалар;
- қимматли қоғозларни сотиб олишда иштирок қилган воситачи ташкилотларга тўланадиган ҳақ;
- бухгалтерия ҳисобига қабул қилинишидан олдинги қимматли қоғозларни сотиб олиш учун фойдаланилган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Балансдаги узоқ муддатли молиявий инвестициялар қуйидагича ҳисобга олинади:

- сотиб олиш қиймати.

Балансдаги қисқа муддатли молиявий инвестициялар қуйидагича ҳисобга олинади:

- бозор қийматида. Инвестицияларнинг бозор қийматидаги ўзгаришлардан олинган даромад ёки зарар улар содир бўлган ҳисобот даврида тан олинади.

Суғурта захиралари компания томонидан ҳар бир суғурта тури бўйича ва суғурта амалга ошириладиган валютада шакллантирилади.

Суғурта захираларига қуйидагилар киради:

"Техник захиралар" – бу алоҳида суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта тўловлари ва/ёки ҳисобот санасидаги бутун суғурта портфели бўйича молиявий мажбуриятларни суғурталовчи томонидан бажарилиши учун зарур бўлган маблағлар миқдори.

Техник захиралари суғурта захиралари таркибига киради ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб топилмаган мукофотлар захираси;
- огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси;
- хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси;
- содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси;
- фуқароларнинг масъулиятини мажбурий суғурта қилиш ва иш берувчиларнинг масъулиятини мажбурий суғурта қилиш (мажбурий суғурта қилиш турлари) учун барқарорлаштириш захираси.

2014 йилда акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши қарори билан 2013 йил якунлари бўйича 960,01 миллион сўм миқдоридаги фойдани дивидендларга ўтказиш ва захира фондига 52 440,12 минг сўм ажратишга қарор қилинди.

2014 йил учун соф фойда суммаси 815 843,42 минг сўмни ташкил этди.

Жамиятда даромад солиғини ҳисоблашда қуйидаги имтиёзлар қўлланилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори:

“8. Юридик шахслар бир йилдан ортиқ муддатга тижорат банкларининг депозитлари ва қарз қимматли қоғозларига жойлаштиришдан олинган фоиз даромадлари бўйича солиқ тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинсин”.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги 136-сонли ЎЗР Қонуни билан тасдиқланган), 210-модда:

“Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта қилиш, биргаликда суғурта ва қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатиладиган суғурта хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади, бунинг натижасида:

1) суғурта хизматлари бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олади:

- а) суғурта қилиш, биргаликда суғурта ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;
- л) қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган, суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинadиган даромадлар;
- м) қайта суғурта қилиш шартномалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, улар бўйича суғурта мукофотларининг қайтариб берилган қисми суммалари;
- н) бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинadиган бошқа даромадлар”.

Бош директор

Махкамов Н.С.

Бош бухгалтер

Абдюжанов Д.Д.